

## ЖАНГОВАР ТАЙЁРГАРЛИК ВА МИЛЛИЙ-МАЊАВИЙ ҚАДРЯТЛАРНИ УЙГУНЛАШТИРИШ

*Умурзаков Бахтиёр Боходирович  
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар  
вазирлиги Малака оширии институти*

*Жанговар тайёргарлик цикли катта ўқитувчиси  
[shokiralbekov@gmail.com](mailto:shokiralbekov@gmail.com)*

**Аннотация:** Ушбу мақолада жанговар тайёргарлик тизимида миллий-мањавий қадриятларнинг тутган ўрни ва уларни интеграция қилишнинг муҳим аҳамияти таҳлил қилинади. Ходимлар ва хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларини тайёrlаш жараёнида факатгина жисмоний ва техник кўникмалар эмас, балки Ватанга садоқат, тарихий меросга ҳурмат, миллий ғурур ва мањавий тарбия элементларини ҳам қамраб олиш зарурлиги илмий асосланган ҳолда ёритилган. Мақолада амалдаги тажриба, мутахассислар фикри ва илмий манбалар асосида хulosалар келтирилган.

**Калит сўзлар:** жанговар тайёргарлик, миллий-мањавий қадриятлар, ҳарбий-ватанпарварлик, мањавий тарбия, ходимлар, руҳий тайёргарлик.

## ГАРМОНИЗАЦИЯ БОЕВОЙ ПОДГОТОВКИ И НАЦИОНАЛЬНО-ДУХОВНЫХ ЦЕННОСТЕЙ

*Умурзаков Бахтиёр Боходирович  
Старший преподаватель цикла боевой подготовки  
Институт повышения квалификации  
МВД Республики Узбекистан  
[shokiralbekov@gmail.com](mailto:shokiralbekov@gmail.com)*

**Аннотация:** В данной статье анализируется роль национально-духовных ценностей в системе боевой подготовки и важность их интеграции. Научно обоснована необходимость включения в процесс подготовки сотрудников и сотрудников правоохранительных органов не только физических и технических навыков, но и элементов преданности Родине, уважения к историческому наследию, национальной гордости и духовного воспитания. В статье представлены выводы, основанные на практическом опыте, мнениях специалистов и научных источниках.

**Ключевые слова:** боевая подготовка, национально-духовные ценности, военно-патриотическое, духовное воспитание, персонал, духовный

## HARMONIZATION OF BATTLE PREPARATION AND NATIONAL AND SPIRITUAL VALUES

*Umurzakov Bakhtiyor Bakhodirovich*

*Senior teacher of the combat training cycle*

*Institute for Advanced Training of*

*the Ministry of Internal Affairs*

*of the Republic of Uzbekistan*

*[shokiralbekov@gmail.com](mailto:shokiralbekov@gmail.com)*

**Abstract:** This article analyzes the role of national-spiritual values in the combat training system and the importance of their integration. In the process of training employees and law enforcement officers, it is scientifically substantiated that it is necessary to cover not only physical and technical skills, but also elements of devotion to the Motherland, respect for historical heritage, national pride, and spiritual education. The article presents conclusions based on practical experience, expert opinions, and scientific sources.

**Keywords:** combat training, national-spiritual values, military-patriotic, spiritual education, personnel, spiritual

### КИРИШ

Миллий-маънавий қадриятлар - бу муайян бир миллат ёки халқнинг асрлар давомида шаклланиб, авлоддан авлодга ўтиб келаётган, унинг дунёқарashi, урфодатлари, анъаналари, ахлоқий қоидалари, диний эътиқодлари, маданияти ва ҳаёт тарзини ифода этувчи маънавий бойликларидир.

Бу қадриятлар миллатнинг руҳий-маънавий таянчи, ижтимоий тартибни сақловчи, **ва** шахс тарбиясида асосий мезонлардан бири ҳисобланади.

Жанговар тайёргарликнинг асосий мақсади хуқуни муҳофаза қилиш органларининг ходимларини хизмат фаолиятига тайёрлаш, уларнинг жисмоний ва психологик ҳолатини мустаҳкамлаш, шунингдек, уларнинг касбий ахлоқини шакллантиришдан иборатдир. Бу жараёнда ходимлар ўз вазифаларини бажаришда адолат, инсоф, масъулият, садоқат ва бошқа маънавий-ахлоқий қадриятларга амал қилишлари керак.

Миллий хавфсизликни таъминлашда ва ходимларни юқори савияда тайёрлашда жанговар тайёргарлик алоҳида аҳамият касб этади. Аммо бу тайёргарликнинг самарадорлиги фақатгина жисмоний ва техник тайёргарлик билан эмас, балки маънавий-мағкуравий, ахлоқий тарбия билан уйғун ҳолда ташкил этилганда юксак натижа беради. Айниқса, ёш кадрлар, ходимлар ва тингловчиларни тарбиялашда миллий-маънавий қадриятлар асосида тарбия

бериш орқали уларда Ватанпарварлик, садоқат, интизом, иродавий барқарорлик, масъулият каби фазилатлар мустаҳкамланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: «Ёшлишимиз юксак маънавият ва миллий ғуур руҳида тарбия топса, уларни ҳеч қандай куч енголмайди». Ушбу сўзлар бевосита жанговар тайёргарлик мазмунида ҳам юксак аҳамиятга эга. Зоро, маънавий тайёргарлик ва миллий ўзликка хос ғоялар фақат назарий фанларда эмас, балки амалий машғулотларда ҳам чуқур сингдирилиши керак.

Амалдаги тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ходимлар ва тингловчиларнинг жангта тайёрлик даражаси уларнинг ички руҳи ва ахлоқий позициясига бевосита боғлиқ. Агар хизматчи ўзини Ватан фарзанди, миллий қадриятлар ва аждодлар анъаналари давомчиси деб ҳис этса, у ҳар қандай синовга тайёр бўлади. Шу нуқтаи назардан, ходимларга машғулот пайтида нафақат техник ҳаракатлар, балки Ватан тарихи, қаҳрамонлар тимсолидаги маънавий-маърифий материаллар ҳам таништирилиши мақсадга мувофиқдир.

Ички ишлар вазирлиги Академиясининг тажрибали мутахассислари бу борада қуйидаги фикрни билдирган: «Ҳақиқий жанговар тайёргарлик - бу фақатгина муштлашни эмас, юракда Ватанга муҳаббатни уйғотишни ҳам талаб қиласи. Биз кадрларни ахлоқий, маънавий жиҳатдан етук тарбияламас эканмиз, улар қуролни тўғри тутгани билан ғоявий заиф бўлиб қолаверади».

Бундан келиб чиқадики, жанговар тайёргарлик машғулотлари жараёнида қуйидаги усуллар самарали ҳисобланади:

- Машғулотларни бошлашда буюк аждодлар, ҳарбий қаҳрамонлар ҳақида қисқа маълумот бериш; Маънавий-ахлоқий тарбия мавзулари билан жанговар машқларни боғлаш;
- Курсантарни тарихий обьектларга, музейларга олиб бориш ва ватанпарварлик дарсларини ташкил этиш;
- Давлат рамзларини улуғлаш ва ҳар бир ҳаракатда масъулият ҳиссини сингдириш.

Бундай ёндашув хизматчиларда руҳий барқарорлик, Ватанга садоқат, интизом ва масъулият туйғуларини шакллантиради. Ҳарбий психологлар фикрича, маънавий жиҳатдан бой инсон стресс ҳолатларига қарши чидамли бўлади, қарор қабул қилишда юрак ютилади, ўз вазифасини сидқидилдан бажаради.

## **ХУЛОСА**

Жанговар тайёргарлик - бу фақатгина жисмоний машқлар ва ҳарбий кўнилмаларни ўргатиш жараёни эмас, балки бу миллий ғоя, маънавият ва ватанпарварлик руҳини сингдиришнинг муҳим майдонидир. Хизматчи ёки тингловчи нафақат тана, балки руҳ ва қалб жиҳатдан ҳам тайёр бўлиши керак.

Шу маънода, **миллий-маънавий қадриятлар** жанговар тайёргарлик жараёнининг маънавий устуни бўлиб хизмат қиласи.

Маънавий жиҳатдан етук, юксак маъсулият туйғуси ва ватанпарварлик билан сугорилган хизматчи ҳар қандай қийинчиликларга бардош бера олади. У ўз вазифасини адолат ва садоқат билан бажаради, халқ ва давлат манфаатини шахсий манбаатлардан устун кўяди. Бундай фидоий шахсларни тарбиялашда миллий тарихимиз, аждодларимиз мероси, қаҳрамонларимизнинг жасорати, қадимиий урф-одатларимиз ва замонавий давлат рамзларимизнинг қадрини уқтириш муҳим аҳамият касб этади.

Шунинг учун ҳам жанговар тайёргарлик дастурларига миллий-маънавий тарбияни жорий этиш, курсант ва ходимларни маърифий фаолиятлар, тарихий экспурсиялар, ватанпарварлик сухбатлари орқали руҳлантириш, уларнинг ахлоқий салоҳиятини ошириш билан бир қаторда, уларни профессионал жиҳатдан мустаҳкам тайёрлаш зарур.

Якунда айтиш мумкинки, **жисмоний бақувватлик ва маънавий етуклик** уйғунлиги - ҳақиқий жанговар тайёргарликнинг асосий пойдеворидир. Бундай ёндашув, аввало, ички ишлар органларида хизмат қилувчи ҳар бир ходимни фақат куч воситаси эмас, балки халқ ишончини оқлайдиган ҳақиқий Ватан фарзанди сифатида шакллантиради. Миллий ғурур ва ватанга муҳаббат руҳида тарбия топган ходим эса ҳеч қандай таҳдид ва қийинчилик олдида оғишмайди, чунки унинг таянчи - Ватан, халқ ва маънавий қадриятлардир.

### **АДАБИЁТЛАР**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг маърузалари ва нутқлари. - Т.: Ўзбекистон, 2022.
2. Эргашев И. Жанговар тайёргарлик ва ахлоқий тарбия уйғунлиги. 2021.
3. Камолов Р. Ватанпарварлик ва миллий рух: ҳарбий тарбиянинг асосий устуворлиги 2023.
4. Қодиров А. Ўқув муассасаларида маънавий-ахлоқий тарбиянинг роли. 2022.
5. Юнусова Н. Ҳарбий психология асослари. 2020.
6. Умурзоқов Б.Б. Жанговар тайёргарликнинг назарий асослари ва амалиётдаги аҳамияти. // Тадқиқотлар. 2025.
7. Умурзоқов Б.Б. Жанговар тайёргарликнинг психологияси. // Тадқиқотлар. 2025.
8. Умурзоқов Б.Б. Жанговар тайёргарлик жараёнида маънавий-ахлоқий тарбиянинг аҳамияти. // Тадқиқотлар 2025.